

ОЗИҚЛАНТИРИШ РАЦИОНЛАРНИНГ ҚУЁНЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК ФЙДАЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Саидумаров О.

Қуёнчилик селекцияси ва генетика маркази

Насимов А. А.

Қуёнчилик селекцияси ва генетика маркази

Аннотация

Ушбу мақолада ҳозирги кунда республикамизда қуённинг айнан қайси зотдагиларини бир-хил рацион асосда парваришлаб боқса юқори самара бериши ҳамда қуён гўштининг фойдали жихатлари тўғрисида ёзилган.

Аннотации

В этой статье рассказывается о породе кроликов в нашей стране, которая высоко эффективна в уходе за кроликами на основе такой же диеты, а также о пользе кроличьего мяса.

Annotations

This article talks about the breed of rabbits in our country, which is highly effective in caring for rabbits based on the same diet, as well as the benefits of rabbit meat.

Калит сўзлар. Қуён, қуён гўшти, зот, Янги Зелланд, Махаллий зот, тирик вазн, ўсиш. Мавзунинг долзарблиги. Қуёнчилик кўплаб мамлакатларда чорвачиликнинг истиқболли соҳасидир, чунки ишлаб чиқарилган маҳсулот нархининг юқорилиги қуён гўшти пархезбоб бўлганлиги учун унга жаҳон бозорида талаб кундан кунга ошиб бормоқда. Қуёнчилик иктисодий жихатдан самаралироқ бўлишига қарамай, республикамизда кенг тарқалмаган, кичик фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларидагина ҳамда айрим қуёнчилик билан шуғилланадиган фермер хўжаликларидагина мавжуд. Шунинг учун ҳозирги вақтда республикага Европа мамлакатларидан тез етилувчан қуён зотларини катта қисми олиб келинмоқда. Қуён гўштининг биологик қиймати, юмшоқлиги ҳамда ёғ ва холестерин моддасининг камлигини ҳисобига аллергия, гипертония, ошқозон-ичак, меъда, ўт пуфаги, жигар хасталигига чалинган беморларга истеъмол қилиш тавсия этилади. Қуён гўшти, айниқса, тўлақийматли оксил моддасига эҳтиёжи бўлган мактабгача ёшдаги болалар, ўсмирлар, эмизикли аёллар, кексалар учун фойдалидир. Қуён гўшти таркибидаги ёғ, биофаол модда, жароҳатларни даволайди, қичима ва аллергияга қарши восита сифатида қўлланилади. Ундан пардоз ва даволовчи дори-дармонлар тайёрланади.

Юмшоқлиги жихатидан куён гўшти парранда гўштига ўхшаб кетади, каллориялиги жихдтидан эса товук гўштидан қолишмайди. Куён гўштининг хазм бўлиш даражаси қорамол, чўчка ва кўй гўштидан юқори туради, чунки унинг таркибида енгил хазм бўлувчи тўла қийматли оксиллар кўпдир. Куён гўштининг 100 % дан 90 % гача хазм бўлса, мол гўштининг шунча қисмида 62 % гина хазм бўлади. Куён ёғи тез эрийди ва хазм бўлиши кўй ва мол ёғига нисбатан енгилдир. Холестерин миқдори бузоқ гўштига нисбатан куён гўштида 2,7 маротаба камдир. Бошқа хайвонларнинг 100 г ёғи ва гўшти таркибидаги холестерин миқдори куйидагича; мол ёғида-1,25 г, чўчка ёғида-0,33 г, кўй ёғида-1,40 г, бузоқ гўштида-0,11 г, куён гўштида-0,4 г.

Тадқиқот мақсади. Аҳолини гўшт ва гўшт махсулотлари, диетик озиқ-овқатлар ҳамда арзон нархдаги куён гўшти билан тامينлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Илмий-тадқиқот ишлари Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги “Куёнчилик селекцияси ва генетика маркази” тажриба хўжалигида олиб борилди.

Тадқиқотлар ўтказиш учун, куённинг четдан олиб келинган Янги зелланд ва маҳаллий зотга мансуб куёнлар танлаб олинди ва уларнинг ўсиши таққослаб ўрганиш мақсадида назорат ва тажриба гурухига ажратилди. Тажриба ва назорат гурухидаги куёнлардан олинган авлодларини тўйинтирилган тўлақийматли рацион асосида боқилди. (ушбу рацион жадвали 1 жадвалда келтирилган).

Тажрибадаги куёнлар 21, 30, 45, 60, 70 кунлик ёшида ўсиш ва ривожланиши, 150 кунлик ёшида тирик вазн ўсиши ўрганилди. Куёнларнинг тез етилувчанлиги, серпуштлиги, болаларининг тез ўсиб ривожланиши, турли хил сифатли махсулот олиш, тез семириши уларнинг муҳим биологик хусусиятларидан бири ҳисобланади. Куёнларнинг тирик вазн ўсиш динамикаси берилган.

Тадқиқот натижалари. Тўлақийматли рационнинг куёнларнинг махсулдорлик кўрсаткичларига таъсири 2- жадвалда келтирилган.

2- жадвалдан коришимиз мумкинки, куёнларнинг тирик вазн олиши 21 кунлик ёшида назорат гурухида 257,89 г ни, тажриба гурухида 275,21 г ни ташкил этди. Бунда тажриба гурухидаги куённинг вазни 17,32 г ёки 6,7 % га кўпроқ. 30 кунлик ёшига келиб эса вазн назорат гурухида 589,5 г ни, тажриба гурухида 635,27 г ни ташкил этди. Бу ёшда тажриба гурухидаги куёнлар 45,77 г оғирроқ ва 7,7 % га кўп бўлди. 45 кунлик ёшида назорат гурухидаги куённинг вазни 1210 г тажриба гурухидаги куённинг вазни 1308,56 г ни ташкил этди. Бу ҳолатда тажриба гурухдаги куёнлар 98,56 г вазнга ёки назорат гурухдагиларга нисбатан 8,1 % кўпроқ бўлди. 70 кунлик ёшида назорат гурухидаги куёнлар 1680 г вазнга эга бўлди, тажриба гурухдаги куёнлар 1855,68 г вазнга эга бўлди. Бу ёшда тажриба гурухдаги куёнлар 175,68 г яни 10,4 % кўпроқ вазнга эга бўлди. 90 кунлик ёшида назорат гурухидаги куёнлар 2180 г вазнга эга бўлди, тажриба гурухдаги куёнлар эса 2320 г вазнга эга бўлди. Бу ёшда тажриба гурухидаги куёнлар 140 г кўп

вазнга эга бўлди ва 6,4 % кўпроқ вазн олди. 120 кунлик ёшида назорат гурухидаги куёнлар 3160 г вазнга эга бўлди. Тажриба гурухдаги куёнлар эса 3358 г вазнга эга бўлди, назорат гурухидаги тенгқурларига нисбатан 198 г 6,2 % кўпроқ вазн бўлди. 150 кунлик ёшида назорат гурухидаги куёнлар тирик вазни 4050 граммга етган, бўлса тажриба

1-жадвал Тажрибадаги куёнларни озиклантириш рацони

Даврлар	Грамм	Рацион таркибининг тўйимлилиги											
		Э.оз.б МДж	Озуқа бирлиги,г	Куруқ модда,г	Хазм. протеин,г	Клетчатка, г	Қанд г	Крахмал г	Хом ёғ г	Са г	Р Г	Каротин мг	ВитД, минг ХБ
Тинч даври	180	177,444	147,978	152,6	21063,6	22,5	6,8	49,1	4,9	1,6	0,7	3,6	4,3
Бўғозлик даври	250	246,45	205,525	211,8	29255	31,2	9,5	68,3	6,8	2,3	1	5	6
Лактация даври													
1-10	325	346,7	296,5	277,8	41,8	30	11,0	106,0	9,8	3,2	1,8	4,1	4,9
11-20	400	426,7	364,9	342	51,5	37	14	130,5	12,0	3,9	2,2	5	6
21-30	500	533,4	456,2	427,5	64,4	46,1	17,5	163,1	15,1	4,9	2,7	6,3	7,5
31-45	620	661,4	565,6	530,1	79,8	57,2	21,7	202,3	18,7	6,2	3,4	7,8	9,3
Ўсувчи куёнлар													
45-60	120	128,0	109,5	102,6	15,4	11,1	42	39,2	3,6	1,2	0,7	1,5	1,8
61-90	140	149,3	127,7	119,7	18	12,9	49	45,7	4,2	1,4	0,8	1,8	2,1
91-120	190	202,7	173,3	162,5	24,5	17,5	66,5	62,0	5,7	1,9	1,1	2,4	2,9
121-150	240	256,0	219,0	205,2	30,9	22,1	84	78,3	7,2	2,4	1,3	3	3,6

2 –жадвал Куёнларнинг тирик вазн ўсиш динамикаси, г

Ёши, кун	Гурухлар	
	Назорат	Тажриба
Туғилганда	69,51	69,76
21	257,89	275,21
30	589,5	635,27
45	1210	1308,56
70	1680	1855,68
90	2180	2320
120	3160	3358
150	4050,5	4350

гурухдаги куёнларни тирик вазни 4350 граммга етди. Бу ёшда тажриба гурухидаги куёнлар 300 г кўп вазнга эга бўлиб 7,4 % кўпроқ вазн олди. Иккала гурухнинг ўсишига қараб айтиш мумкинки куёнлар тажриба давомида, яъни 21 кунлик ёшидан то 150

кунлик ёшигача бўлган даврда тажриба гуруҳидаги куёнларнинг тирик вазн ўсиши назорат гуруҳидаги тенг ёшдаги куёнларнинг тирик вазнидан 975,3 г ёки 7,5 % кўпроқ вазнга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек тажриба ва назорат гуруҳидаги куёнлардан олинган авлодларини хўжалик рацион асосида боқилди.

Улар ҳам 21, 30, 45, 60, 70 кунлик ёшида ўсиш ва ривожланиши, 150 кунлик ёшида тирик вазн ўсиши ўрганилди. Куёнларнинг тирик вазн ўсиш динамикаси 3 жадвалда берилган.

3 жадвал маълумотлари бўйича, куёнларнинг тирик вазн ўсиши 21 кунлик ёшида назорат гуруҳида 250,7 г-ни, тажриба гуруҳида 260,1 г ни ташкил этди. Бунда тажриба гуруҳидаги куённинг вазни 9,4 г ёки 3,7 % га кўпроқ. 30 кунлик ёшига келиб эса вазн назорат гуруҳида 570,5 г ни, тажриба гуруҳида 610,1 г ни ташкил этди. Бу ёшда тажриба гуруҳидаги куёнлар 39,6 г оғирроқ ва 7 % га кўп бўлди. 45 кунлик ёшида назорат гуруҳидаги куённинг вазни 1120 г тажриба гуруҳидаги куённинг вазни 1220 г ни ташкил этди. Бу ҳолатда тажриба гуруҳидаги куёнлар 80 г вазнга ёки назорат гуруҳидагиларга нисбатан 7 % кўпроқ бўлди. 70 кунлик ёшида назорат гуруҳидаги куёнлар 1520 г вазнга эга бўлди, тажриба гуруҳидаги куёнлар 1630 г вазнга эга бўлди. Бу ёшда тажриба гуруҳидаги куёнлар 110 г яни 7,3 % кўпроқ вазнга эга бўлди. 90 кунлик ёшида назорат гуруҳидаги куёнлар 2010 г вазнга эга бўлди, тажриба гуруҳидаги куёнлар эса 2100 г вазнга эга бўлди. Бу ёшда тажриба гуруҳидаги куёнлар 90 г кўп вазнга эга бўлди ва 4,4 % кўпроқ вазн олди. 120 кунлик ёшида назорат гуруҳидаги куёнлар 2700 г вазнга эга бўлди. Тажриба гуруҳидаги куёнлар эса 2800 г вазнга эга бўлди, назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 100 г 3,7 % кўпроқ вазн бўлди. 150 кунлик ёшида назорат гуруҳидаги куёнлар тирик вазни 3400 граммга етган, бўлса тажриба гуруҳидаги куёнларни тирик вазни 3500 граммга етди. Бу ёшда тажриба

3 –жадвал Куёнларнинг олинган авлодларини тирик вазн ўсиш динамикаси, г

Ёши, кун	Гуруҳлар	
	Назорат	Тажриба
Туғилганда	67,51	68,76
21	250,70	260,10
30	570,5	610,10
45	1120	1200
70	1520	1630
90	2010	2100
120	2700	2800
150	3400	3500

гуруҳидаги куёнлар 100 г кўп вазнга эга бўлиб 3 % кўпроқ вазн олди. Иккала гуруҳнинг ўсишига қараб айтиш мумкинки куёнлар тажриба давомида яъни 21 кунлик ёшидан то 150 кунлик ёшигача бўлган даврда тажриба гуруҳидаги куёнларнинг тирик вазн ўсиши

назорат гурухидаги тенг ёшдаги қуёнларнинг тирик вазнидан 529 г ёки 4,5 % кўпроқ вазнга ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса. Бизнинг иқлим шароитимиздан келиб чиқиб бутун тажриба давомида ўсиши юқори бўлган, Янги зелланд зотига мансуб қуёнларнинг генетик потенциали юқори бўлганлиги сабабли, ҳамда кунлик ўсиши маҳаллий зотдаги қуёнларга нисбатан юқорилиги ва турли шароитларга мослашиши, касаллаикларга нисбатан чидамлилигини, инobatга олиб шу зотдаги қуёнларни аҳоли хонадонлари ва фермер хўжаликларида боқиш кўпроқ самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Адилова А, Холматов А. “Фермер хўжалигида қуёнчилик” Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журнали. № 11. 2010. 136
2. Икромов Т. Ўзбекистонда қуёнчиликнинг ривожланиши. – Т.: Фан, 1983
3. Манина И.С, Майоров А.И.– Все о кроликов. – Москва. 1988
4. Сысоев В.С, Александров В.Н – Кролиководство. М-1985
5. Тинаев Н.Н – Продукция кролиководства – М. Колос. 2004
6. Помытко В.Н, Зусман Н.С. и др. Кролиководство. М. «Колос»-1975
7. Тинаев Н.Н – Продукция кролиководства – М. Колос. 2004
8. Помытко В.Н, Зусман Н.С. и др. Кролиководство. М. «Колос»-1975